# ЕТТИ ЙИЛЛИКНИНГ ИККИНЧИ ЙИЛИДА: КАМИДА 3 МИЛЛИОН 170 МИНГ ТОННА ПАХТА ЕТИШТИРАМИЗ!

## *Гўшт етиштиришни икки баравар оширамиз, давлатга сут сотишни ўтган йилга нисбатан бир ярим баравар кўпайтирамиз, 1 миллион 570 минг тонна сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштирамиз!*

☆ ☆

## Ўзбекистон ССР колхозчилари, совхоз ва РТС ишчилари, мутахассислари, барча қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги ходимларининг 1960 йил учун олган

# *МАЖБУРИЯТЛАРИ*

Азиз ўртоқлар! Совет халқи Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорларини катта хурсандлик ва фахрланиш ҳислари билан, янги сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати билан кутиб олди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Пленумининг қарорида, ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг ажойиб, ёрқин нутқида жуда катта давлат аҳамиятига эга бўлган масалалар қўйилди, қишлоқ хўжалиги, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, аҳоли учун озиқ-овқат маҳсулотларини ва саноат учун хомашёни мўл-кўл қилиб тезроқ вужудга келтириш соҳасида етти йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажариш ишидаги янги вазифалар белгилаб берилди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам 1959 йилда янги муваффақиятларга эришдилар. Республика саноати ишлаб чиқариш йиллик планини муддатидан олдин, 18 декабрда бажарди ва пландан ташқари бир неча юз миллион сўмлик маҳсулот берди. Саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми 9 процент ошди. Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг бошқа жуда муҳим кўрсаткичлари бўйича ҳам планлар муваффақиятли бажарилди.

Етти йилликнинг биринчи йилидаги ишимизнинг энг муҳим якуни шу бўлдики, пахтакорларнинг Кремлдаги Бутуниттифоқ кенгашида пахта юзасидан қабул қилинган социалистик мажбуриятлар бажарилди. Республика колхозлари ва совхозлари давлатга 3 миллион 160 минг тонна—пландагидан 190 минг тонна кўп, 1958 йилдагига қараганда 215 минг тонна кўп ва 1953 йилдагига қараганда 729 минг тонна кўп пахта сотдилар. Пахтанинг деярли 85 проценти биринчи сортлар билан топширилди. Ўтган йили пахта етиштиришда энг юқори даражага эришилди, бутун пахтачилик тарихида энг юқори ҳосил олинди, пахтачиликни комплекс механизациялаш ишида тубли бурилиш ясалди.

Ҳамма областлар, деярли ҳамма районлар ҳамда колхозлар ва совхозларнинг катта кўпчилиги давлатга пахта сотиш планларини ва социалистик мажбуриятларини бажардилар.

Пахта майдонининг ҳар гектар ердан орденли Андижон областининг колхозлари ва совхозлари қарийб 28 центнердан, Сурхондарё области 26,3 центнердан, Наманган ва Хоразм областлари қарийб 26 центнердан ҳосил олдилар. Орджоникидзе, Тўрақўрғон, Наманган, Пахтаобод, Андижон ва Ленин районлари ҳар гектар ердан 30 центнердан ошириб ҳосил олдилар. Денов районининг колхозлари ва совхозлари ҳар бир гектар ерда 36,2 центнердан ҳосил етиштириб, давлатга 65 минг тоннадан кўпроқ пахта сотдилар. 173 колхоз ва совхоз катта-катта майдонларда ҳар гектар ердан 30—40 центнердан пахта олдилар. Юзлаб бригадалар техникадан юксак даражада унумли фойдаланиб, меҳнатни яхши ташкил қилиб, дала ишларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиб, ҳар гектар ерда 50—60 центнердан ва ундан ҳам ошириб пахта етиштирдилар ва ҳосил олдилар. Бухоро областида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шарофат Баракаева бошчилигидаги бригада 88 гектар майдоннинг ҳар бир гектаридан 67 центнердан пахта олди. Тошкент областида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ғанишер Юнусов раҳбарлигидаги комплекс механизация бригадаси Мирзачўлнинг янги ерларида ҳар гектар ердан 60 центнердан пахта етиштирди. Наманган областида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Меликўзи Умурзоқовнинг комплекс механизация бригадаси ҳар гектар ердан 52 центнердан ошириб пахта олди.

Ўтган йил пахтакорлар техника прогрессини комплекс механизация асосида ғўзани парвариш қилишнинг янги усулларини пахтачиликда дадил жорий қилдилар. Квадрат-уялаб экиш, ғўза қатор ораларини икки ёқлама ва кетмонсиз ишлаш сингари прогрессив усуллар эндиликда пахтачиликда мустаҳкам жой олди.

1959 йилда пахта теришни механизациялаш ишида ҳам биринчи жиддий муваффақиятлар қўлга киритилди. 330 минг тонна пахта машиналарда териб олинди. «Малик», Ўзбекистон ССР беш йиллиги номидаги, 1-«Боёвут», «Совой», «Норпой», «Жомбой» совхозлари, Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхози, Шаҳрисабз районидаги Карл Маркс номли колхоз ва бошқа кўп хўжаликлар пахтани машина билан теришда яхши натижаларга эришдилар. Юзлаб механик-ҳайдовчилар пахта теришда юксак даражада унумли фойдаланишга эришиб, мавсумда 100—150—200 тонна ва ундан ҳам кўпроқ пахтани машинада териб бердилар.

Энг яхши механик-ҳайдовчилар Совет Иттифоқи орденлари ва медаллари билан мукофотландилар. Турсуной Охунова, Валентин Тюпко ва Меликўзи Умурзоқов ўртоқлар Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлдилар.

Трактор-далачилик комплекс механизация бригадалари пахта етиштириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаришда катта роль ўйнадилар. Ўтган йил 5000 га яқин мана шундай бригада ишлади, улар республикадаги бутун пахта майдонининг учдан бир қисмидаги ғўзани парвариш қилдилар. Шу бригадаларда ғўзани парвариш қилишнинг янги усуллари жуда кенг равишда қўлланилди, техникадан энг яхши фойдаланилди ва ҳосилнинг анча қисми машиналар билан териб олинди. Улар пахтанинг ҳар бир центнерига энг кам меҳнат ва маблағ сарф қилган ҳолда, энг юқори ҳосил олишга муваффақ бўлдилар.

Республика колхозлари ва совхозлари бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳам давлатга сотиш планини ва бу соҳада олган мажбуриятларини муваффақият билан бажардилар.

Тошкент ва Самарқанд областлари ҳамда Қорақалпоғистон АССР давлатга пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажарганликлари учун Ленин орденлари билан мукофотландилар. Бу — барча пахтакорлар учун, бутун республикамиз учун катта шарафдир.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Иттифоқ ҳукумати Ўзбекистонга кун сайин ёрдам кўрсатиб турганликлари туфайли республика меҳнаткашлари шундай муваффақиятларга эриша олдилар, бу муваффақиятлар ўзбек халқининг ўз оғаси — улуғ рус халқи билан ва Совет Иттифоқидаги ҳамма халқлар билан доимий дўст бўлиб келаётганлигининг натижасидир.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг чинакам новаторлари, илғорлари эришган муваффақиятлар пахта, гўшт, сут, сабзавот, картошка, узум ва бошқа маҳсулотларни етиштиришни ҳар томонлама кўпайтирмоқ учун бизда нақадар жуда катта резервлар ва имкониятлар борлигини кўрсатиб турибди.

Бутун совет халқи каби Ўзбекистон колхозчилари, совхоз ва РТС ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, барча меҳнаткашлари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорларини ниҳоят даражада хурсандлик билан кутиб олдилар ва мамлакатимизда коммунизм қуриш улуғ ишига муносиб ҳисса қўшишга интилиб, ўз зиммаларига оширилган янги мажбуриятлар — етти йиллик план топшириқларини тағин ҳам қисқа муддат ичида бажариш мажбуриятларини оладилар.

Орденли Қорақалпоғистон АССР қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари илгари қабул қилинган мажбуриятларини қайта кўриб чиқиб, пахта етиштиришда етти йилликнинг охирига мўлжалланган даражага 1961 йилда эришишга, 1960 йилда эса давлатга ўтган йилда сотилганига қараганда 30 минг тонна кўп пахта сотишга, гўшт ва сут етиштиришни ҳамда сотишни икки баравар кўпайтиришга, тухум етиштириш ва сотишни уч баравар кўпайтиришга, бу йил 610 минг тонна пилла етиштириб беришга ва бу билан 1965 йил учун белгиланган даражага эришишга қарор қилдилар.

Ленин орденли Самарқанд областининг меҳнаткашлари бу йил планда кўзда тутилганига қараганда 58 минг тонна кўп пахта етиштириб давлатга сотиш ва бу билан пахта етиштириш соҳасида етти йилликнинг охирига мўлжалланган даражадан ўзиб кетиш, гўшт етиштиришни икки баравар кўпайтириш ва давлатга гўшт сотиш юзасидан икки йилга тенг келадиган планни бажариш мажбуриятини олдилар.

Орденли Тошкент областининг колхозлари ва совхозлари 1960 йилда пахта майдонининг ҳар бир гектаридан 25 центнердан ҳосил олишга, гўшт сотиш бўйича икки йилга тенг келадиган планни бажаришга, давлатга пландагидан 10 минг тонна кўп сут сотишга, сабзавот, картошка, мева ва полиз экинлари етиштиришни кескин равишда кўпайтириш мажбуриятини олдилар.

Орденли Андижон областининг пахтакорлари бу йил пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил олиш учун курашадилар.

Амударё районидаги «Манғит» совхози ўтган йили пахта ва пилла етиштиришда 1965 йил учун мўлжалланган даражага эришиб, 1960 йилда план бўйича етти йиллик охирига мўлжалланганига қараганда 1000 тонна кўп пахта етиштириш мажбуриятини олди.

Қарши районидаги Сталин номли колхоз гўшт етиштириш ва сотишни бир йилда уч баравар кўпайтириш, давлатга 1000 тонна гўшт сотиш, майин толали пахта етиштиришни эса 5000 тоннага етказиш мажбуриятини ўз зиммасига олди.

Чироқчи районидаги «Коммуна» колхозининг аъзолари 1960 йилда ҳар гектар ердан олинадиган пахта ҳосилини 50 центнерга етказишга ва давлатга гўшт, сут ҳамда тухумни планда белгиланганига қараганда икки баравар кўп сотишга сўз бердилар.

Қарши районидаги Ленин номли совхоз ходимлари бир йил ичида пахтанинг ҳосилдорлигини икки баравар оширишга, пахта етиштиришни 9000 тоннага етказишга, шунингдек гўшт етиштириш ва сотишни ўтган йилдагидан икки баравар ва сабзавот етиштириш ҳамда сотишни уч баравар кўпайтиришга қарор қилдилар.

Донги кетган пахтакор-механизаторлар, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Т. Охунова, В. А. Тюпко, М. Умурзоқов ўртоқлар 1960 йилда комплекс механизация асосида пахтадан мўл ҳосил олишда янги муваффақиятларга эришиш учун, энг юқори меҳнат унумдорлиги учун, энг арзон пахта олиш учун курашадилар. Минглаб механизаторлар улардан ўрнак олмоқдалар.

Оқдарё районидаги ўртоқ М. Холбоевнинг комплекс механизация бригадаси бу йил 125 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан пахта етиштириб бериш, бир центнер пахта етиштирмоқ учун сарфланаётган меҳнатни камайтириб, 0,7 киши-кунига келтириш ва ҳар бир центнер пахтанинг таннархини 70—75 сўмга тушириш мажбуриятини олди.

Амударё районидаги Крупская номли колхозда ССР Иттифоқи Олий Совети депутати Ойим Камолова бошчилигидаги звено 40 гектар ернинг ҳар бир гектаридан 80 центнердан пахта етиштириб бериш мажбуриятини олди. Ўртоқ О. Камолова механик-ҳайдовчилик касбини ўрганиб олиб, машинада 250 тонна пахта териб беришга қарор қилди.

Бўстонлиқ районидаги Фрунзе номли колхоз аъзолари бу йил давлатга планда белгиланганига қараганда уч баравар кўп гўшт ва жун сотишга, сутни эса икки баравар кўп сотишга қарор қилдилар.

«1-Самарқанд» совхозининг чўчқабоқари ўртоқ Ж. Султонов бу йил 1000 бош чўчқани боқиб семиртириш ва камида 100 тонна чўчқа гўшти олиш мажбуриятини қабул қилди. Самарқанд областидаги 8-зотли чорва совхозининг сут соғувчиси ўртоқ М. Қодирова ўзига бириктирилган сигирларнинг ҳар қайсисидан камида 5500 килограммдан сут соғиб олишга, Калинин районидаги Карл Маркс номли колхознинг сут соғувчиси ўртоқ Б. Исҳоқова эса, ҳар бир сигирдан 5800 килограммдан сут соғиб олишга сўз берди.

**Республиканинг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари пахта етиштиришнинг етти йиллик охирига белгиланган даражасига муддатидан бир йил олдин эришишга ва давлатга 1964 йилда 3600—3800 минг тонна пахта сотишга, 1965 йилда эса 4 миллион тонна «оқ олтин» олишга, гўшт етиштириш соҳасида сўйилган вазнда ҳисоблаганда 252 минг тонна миқдорида ва сут етиштириш соҳасида 1035 минг тонна миқдорида 1965 йил учун белгиланган даражага 1963 йилда эришишга, жун етиштириш соҳасида 26 минг тонна миқдорида ва пилла етиштириш соҳасида 17600 тонна миқдорида белгиланган даражага 1964 йилда эришишга қарор қилдилар.**

**Биз 1965 йилги топшириқда сабзавот етиштириш соҳасида 846 минг тонна миқдорида, полиз экинлари етиштириш соҳасида 681 минг тонна миқдорида ва картошка етиштириш соҳасида 476 минг тонна миқдорида белгиланган даражага 1962 йилда эришишга қарор қилдик.** Бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотиш соҳасида белгиланган топшириқларнинг ҳам муддатидан олдин бажарилишини таъминлаймиз.

Ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчев Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг декабрь Пленумида сўзлаган нутқида қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш программасини баён қилиб, шу нарсани жуда тўғри кўрсатиб ўтдики, «Энди биз қишлоқ хўжалиги соҳасида фақат кенгайиш томонига қараб эмас, чуқурроқ кириб бориш йўли билан ҳам боришимиз экин майдонларини фақат кўпайтириш йўли билангина эмас, шу билан бирга, агротехникани жорий қилиш ҳисобига ҳосилни ошириш йўли билан ҳам боришимиз, тағин ҳам юқори меҳнат унумдорлигига эришувимиз, маҳсулот таннархини камайтира боришимиз лозим. Бизнинг йўлимиз шуки, экин майдонларини асосан кенгайтиришга асосланган қишлоқ хўжалигининг экстенсив формаларини жорий қилиш эмас, балки ернинг ҳар бир гектаридан, сарфланган меҳнатнинг ҳар бир единицасига ҳисоблаганда энг кўп миқдорда маҳсулот берадиган юқори малакали, интенсив хўжаликни жорий қилишимиз керак».

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг ана шу кўрсатмаларини бажариш учун ҳамма чораларни кўрамиз.

Биз қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши усталарининг илғор тажрибаларини, фан муваффақиятларини умумлаштириб ва кенг ёйиб етти йилликнинг иккинчи йили 1960 йилда қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш, кўп колхозлар, совхозлар, бўлимлар ва бригадаларнинг қолоқлигини тугатиш, умумий юксалишга эришиш ҳамда пахта, гўшт, сут, тухум, сабзавот, картошка, мева, узум, жун, қоракўл тери, пилла етиштиришни анча кўпайтириш учун ҳамма чораларни кўрамиз.

Фахрли вазифа — мамлакатни пахта билан тобора кўп миқдорда таъминлаб туриш вазифаси Ўзбекистон зиммасига тушган. Пахта ўзбек халқининг Совет Иттифоқидаги ҳамма халқлар билан муттасил мустаҳкамланиб бораётган дўстлигининг моддий ифодасидир, унинг интернационал ва ватанпарварлик бурчидир.

**Биз 1960 йилда — етти йилликнинг иккинчи йилида камида 3170 минг тонна пахта етиштириб, давлатга сотишга қарор қилдик. Тошкент область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари давлатга 475 минг тонна, Андижон области 460 минг тонна, Фарғона области 415 минг тонна, Самарқанд области 402 минг тонна, Наманган области 320 минг тонна, Бухоро области 300 минг тонна, Хоразм области 260 минг тонна, Қорақалпоғистон АССР 250 минг тонна, Сурхондарё области 240 минг тонна, Қашқадарё области 160 минг тонна пахта сотиш мажбуриятини олдилар.**

Биз комплекс механизация асосида ғўзани парвариш қилишнинг прогрессив усулларини ҳамма жойда жорий қилиб, ҳамма ишларни энг яхши агротехника муддатларида ўтказиб, маҳаллий ва минерал ўғитлардан тағин ҳам самарали фойдаланиб, деҳқончилик маданиятини ошириб, 1960 йилда республикада ҳар бир гектар ердан ўрта ҳисобда 24 центнердан ҳосил олиш учун курашамиз.

Кам ҳосил оладиган қолоқ бригадалар, колхозлар ва совхозларни илғорлар даражасига етказиб олиш, республиканинг ҳамма бригадалари, колхозлари ва совхозларида ҳосилдорликни ошириш, сув ва ер ресурсларидан тағин ҳам тўлиқроқ фойдаланиш ҳисобига экин майдонларини кенгайтириш — пахта етиштиришни кўпайтиришдаги асосий резервларимиздир. 1960 йилда 65 минг гектар янги ерларни ғўза ва бошқа экинлар экиш учун ўзлаштирамиз.

Бу йил 870 минг гектар ерга чигитни режа сими билан квадрат-уялаб экамиз, 1200 минг гектар ердаги ғўзага икки томонлама ишлов берамиз, камида бир миллион гектар ердаги ғўзани кетмонсиз ишлаймиз.

**Бу йил биз пахта териш машиналари билан камида 500 минг тонна пахта терамиз. Тошкент областининг механизаторлари камида 140 минг тонна, Андижон область механизаторлари 60 минг тонна, Фарғона область механизаторлари 55 минг тонна, Самарқанд область механизаторлари 50 минг тонна, Наманган область механизаторлари 45 минг тонна, Бухоро область механизаторлари 40 минг тонна, Хоразм область механизаторлари 40 минг тонна, Қорақалпоғистон АССР механизаторлари 35 минг тонна, Қашқадарё область механизаторлари 20 минг тонна, Сурхондарё область механизаторлари 15 минг тонна пахтани машиналарда териб берадилар.**

Техника тараққиётини янада ривожлантириш меҳнатни ташкил қилишнинг янги формасини — комплекс механизация бригадаларини кенг ёйиш билан чамбарчас боғланган. Бу йил колхозларда ва совхозларда комплекс механизация бригадалари анча кўпайтирилади, бу эса, пахтачиликда меҳнат унумдорлигини 10—15 процент оширишга, маҳсулот таннархини 7—10 процент камайтиришга имкон беради.

**Биз Рязань область қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг ватанпарварлик ҳаракатидан намуна олиб, гўшт етиштиришни бир йил ичида икки баравар кўпайтиришга ва давлатга планда белгиланган 115 минг тонна ўрнига 218 минг тонна ёки қарийб икки йиллик планга тенг келадиган гўшт сотишга қарор қилдик. Давлатга Самарқанд области 47,5 минг тонна, Қашқадарё области 31 минг тонна, Тошкент области 30 минг тонна, Бухоро области 25,6 минг тонна, Сурхондарё области 19,4 минг тонна, Фарғона области 15 минг тонна, Андижон области 14 минг тонна, Қорақалпоғистон АССР 16 минг тонна, Наманган области 11,5 минг тонна, Хоразм области 8 минг тонна гўшт сотади.**

Олинган социалистик мажбуриятларни бажармоқ учун ҳамма чораларни кўрамиз, жамоат чорва молларини урчитиб кўпайтириш ишидаги камчиликларни тузатмоқ учун нобудгарчиликни энг кам миқдорга етказамиз, чорва молларни сунъий қочириш усулини кенг қўлланамиз, чорва моллар зотини яхшилаш ишларини кучайтирамиз, чорва моллар маҳсулдорлигини оширамиз, ҳамма колхозларда ва совхозларда чорва молларни яйловда, қўлда боқиб семиртиришни ва ўстириб вояга етказишни ташкил этамиз. 1960 йилда колхозчилар, ишчилар ва хизматчилардан ихтиёрийлик принципига қаттиқ риоя қилган ҳолда камида 400 минг ёш қорамолни ўстириб вояга етказмоқ учун харид қилиб оламиз ҳамда 100 минг бош сигирни сотиб оламиз ва сигирлар, чўчқалар ҳамда паррандалар сонини кескин равишда кўпайтирамиз.

**Сут сотишни 1959 йилдагига нисбатан бир ярим баравар кўпайтирамиз ёки давлатга 400 минг тонна сут сотамиз. Давлатга Самарқанд областида 55 минг тонна, Тошкент областида 50 минг тонна, Бухоро областида 37 минг тонна, Андижон областида 32 минг тонна, Қашқадарё областида 32 минг тонна, Қорақалпоғистон АССРда 32 минг тонна, Фарғона областида 27 минг тонна, Наманган областида 23 минг тонна, Сурхондарё областида 23 минг тонна, Хоразм областида 19 минг тонна сут сотилади.**

Илғорларнинг тажрибаларини ҳамма жойда жорий қилиб, маккажўхори майдонининг ҳар бир гектаридан думбул бўлиб пишган сўталари билан бирга камида 400 центнер кўкпоя олишни таъминлаймиз, камида 4500 минг тонна ёки ҳар бир сигирга ҳисоблаганда 10—12 тоннадан силос бостириб қўямиз. Бедазорларнинг ҳар бир гектаридан камида 80 центнердан қуруқ беда олишни таъминлаймиз ва жамоат чорвачилиги учун зарур миқдорда чўп-хашак тайёрлаб қўямиз.

**1960 йилда давлатга 1575 минг дона қоракўл тери, 14655 тонна пилла ва 22 минг тонна жун сотиш мажбуриятини оламиз.**

Чорвачилик маҳсулотлари етиштирмоқ учун сарфланаётган меҳнатни ва бу маҳсулотларнинг таннархини янада камайтиришга эришамиз, меҳнатни кўп талаб қиладиган ишларни кенг равишда машиналаштирамиз ҳамда фермаларда чорва молларни боқиш ва озиқлантириш ишида энг прогрессив усулларни кенг жорий қиламиз.

Биз аҳолини сабзавот, картошка ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлашни яхшилаш ишларини зўр бериб давом эттира берамиз. 1960 йилда колхозлар ва совхозларда 360 минг тонна картошка, 610 минг тонна сабзавот, 600 минг тонна полиз экинлари етиштириб берамиз. Мева ва узум етиштиришни 315 минг тоннага етказамиз ёки 1959 йилдагига қараганда 65 минг тонна кўпайтирамиз. Лалми ерлардан, шартли—суғориладиган ерлардан ва тоғ этаклари районларидаги ерлардан фойдаланиб, янги боғлар ва токзорлар вужудга келтириш соҳасида етти йиллик планни анча ошириб бажарамиз.

Колхозларнинг жамоат хўжалигини бутун чоралар билан янада ривожлантириш мақсадида 1960 йилда зарур оборот маблағларини вужудга келтиришни ҳисобга олган ҳолда, пул даромадларидан 23—25 процентини колхозларнинг бўлинмас фондларига ажратиб, бу маблағлардан биринчи навбатда техника сотиб олиш, ишлаб чиқариш бинолари, ирригация-мелиорация иншоотлари, йўллар қуриш, асосий воситаларни капитал ремонт қилиш ҳамда колхозлар экономикасини тез юксалтиришни таъминлайдиган бошқа тадбирлар учун сарфламоқчимиз.

Биз интернат-мактаблар, касалхоналар, туғруқхоналар, болалар боғчалари ва яслилари, колхозчилар учун уйлар, ошхоналар, нонвойхоналар, ҳаммомлар ҳам қура берамиз, кўпгина колхоз қишлоқларимизнинг қиёфасини тезроқ ўзгартириш учун ҳамма чораларни кўрамиз.

Россия Федерацияси ва Украина колхозларидан ўрнак олиб, Марказий Фарғона ерларини ўзлаштириш билан шуғулланаётган Колхозлараро Кенгаш тажрибаси бўйича 1960—1961 йиллар ичида Ўзбекистоннинг деярли ҳамма районларида колхозлараро қурилиш ташкилотлари, қурилиш ишлари билан шуғулланадиган районлараро ва областлараро бирлашмалар, шунингдек бинокорлик материаллари ишлаб чиқарадиган корхоналар вужудга келтирмоқчимиз.

* * *

Жонажон Коммунистик партияни, жонажон Совет ҳукуматини ишонтириб шуни айтамизки, марксизм-ленинизм улуғ ғояларига чексиз содиқ бўлган, жонажон Коммунистик партия, унинг ўртоқ Н. С. Хрушчев бошчилигидаги ленинчи Марказий Комитети теварагида маҳкам жипслашган Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари партия XXI съездининг ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети декабрь Пленумининг тарихий қарорларини муваффақиятли равишда амалга ошириш учун, етти йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун ўзларининг куч ва меҳнатларини аямайдилар, мамлакатимизда коммунизм қуриш улуғ ишига муносиб ҳисса қўшадилар.

**Мажбуриятлар Ўзбекистон ССР колхозчилари, совхоз, РТС ишчилари ва қишлоқ хўжалик мутахассисларининг йиғилишларида муҳокама этилди ва қабул қилинди.**

